



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 17-sentabr. Payshanba • 110 (32.013)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



Савдод ШОТЎЛАНОВ ошган суратлар.

САЙЛОВЧИ ДЕПУТАТ ҲАҚИДА НИМА ДЕЙДИ?

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ҲАМДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТГАНИГА ЯРИМ ЙИЛДАН ОШДИ. ХЎШ, САЙЛОВЧИЛАР ЁҚЛАБ ОВОЗ БЕРГАН, ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧ БИЛДИРГАН ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ, АҲОЛИ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҚАНДАЙ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРЯПТИ? САЙЛОВЧИЛАР ДЕПУТАТЛАРДАН НИМАЛАРНИ КУТМОҚДА? УМУМАН, ХАЛҚИМИЗ ПАРЛАМЕНТДАГИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ФИКРДА? УШБУ РУКН ОРҚАЛИ САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БЕРИБ БОРИШНИ НИЯТ ҚИЛДИК.

Зулфия УНГАЛОВА, Сирдарё вилояти, Мирзабод туманидаги «Богистон» маҳалла фуқаролар йиғини котиби:

— Бугун одамларнинг дунёкараши, тафаккури юксалиб бормоқда, деган гапларни кўп эшитамиз. Бу фикрга ҳаётни кузатиб, ўзим гувоҳ бўлдим. Одамлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланяпти, фуқаролик позициясини эркин намойиш этапти. Буни биргина ўтган йилги сайловлар жараёнида ҳам кўрдик, кузатдик. Сайлов ўтди. Халқимиз номзодларни шунчаки танлаб, бўёғига безътибор қараб тургани йўқ. Сайловчи «Мен сайлаган депутат бугун нима ишлар қилляпти, шу пайтгача сайловчилар билан неча марта учрашди, ҳудуддаги қайси масалани кўтариб чиқди?» деган саволларни ўртага ташляпти. Табиийки, депутат бу саволларга ўз амалий ишлари билан жавоб бериши керак бўлади.

Халқ депутатлари туман Кенгашига ҳудудимиздан сайланган депутат Мурод Хайитов ҳар ойда 2 марта сайловчилар билан учрашиб туради. Бундан ташқари, одамларнинг ўзлари ҳам депутатга турли масалалар бўйича мурожаат қилишади. Бир нарсани аниқ биламанки, жамиятдаги муаммоларни депутат тўғридан-тўғри ҳал қилиб бермайди. У ўз номи билан халқ вакили, жамоатчилиқни ҳокимият билан боғлайдиган кўприк. Аҳолини ўйлантираётган масалаларни юқори ташкилотларга олиб чиқиш ваколатига эга. Бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Менинг депутат ҳақида умумий фикрим, тасаввурим шундай.

Жорий йилнинг март ойида депутат Мурод Хайитов ташаббуси билан Марказий банкнинг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида барча тижорат банкларининг малакали мутахассислари иштирокида ҳудудимизда иқтисодий ўқув-семинар ўтказилди. Ушбу семинарда одамлар банк ходимлари билан самимий мулоқотга киришди. Ортиқча овора бўлмасдан, кредит олиш бўйича тегишли саволларга жавоб олишди.

Шундан кейин маҳалламиздаги бир неча киши кредит олиб, ўз ишини бошлади. Уларнинг орасида ёшлар ҳам борлиги бизни қувонтирди.

Элчилик, депутатлар масъулияти ҳақида ҳам турли гаплар эшитасиз. Шуниси аниқки, «қачон одамларнинг ўзи келса, қабул қиламан», деган ўй билан юридиган депутатлар ҳам бор. Депутат аҳоли билан дилдан суҳбатлашмаса, уларни тингламаса, ҳудудлардаги муаммолардан қандай хабар топади? Сайловчи эмас, депутат уларга яқинлашиши, одамлар билан муносабатларини яқинлаштириши керак, деб ўйлайман.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ:

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА

МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

ЖОРИЙ ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ДЕПУТАТЛАР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ЭКСПЕРТЛАР ИШТИРОКИДА КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА БЕРИЛГАН ВАКОЛАТЛАРГА МУВОФИҚ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИНИ ЭШИТИБ, АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛДИ.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

СЕССИЯДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ИЮЛЬ ОЙИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЎКА ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ТУМАНДА «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАРТИБИДА ЎРГАНИБ, УНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЎКА ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ.

Сессияда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман «Нуроний» жамғармаси, Тиббиёт бирлашмаси ходимлари ва мутахассисларининг ҳисоботлари тингланди.

— Туманда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Неъмат Алимов. — Хусусан, кексаларга фаровон ва муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш мақсадида ёши улуг отахон унахонлар маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛЛАРИ 11050 НАФАРГА ЯҚИН БЎЛИБ, ВИЛОЯТДАГИ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ 40 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА ПАРТИЯМИЗДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАРНИНГ 10 НАФАРИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАРДАН ИБОРАТ.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН 5 МАСАЛА ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИДА, 2 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

МУСТАҚИЛЛИК ИМКОНИАТЛАРИ

Тошкент вилояти:

Беқиёс бунёдкорликлар ва янгиланишлар

Бугун вилоятнинг қайси гўшасига борманг, бунга иқроф бўласиз, ҳайратга тушасиз



ҲАМРОҲИМИЗ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ КОТИБИЯТИ МУДИРИ ШУҲРАТ ҚҶҶОРОВ БИЛАН ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИНИ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ БИЛАН ТУТАШИРАДИГАН РАВОН ЙЎЛДАН КЕТАПМИЗ. ЯНГИБОЗОР ҚЎРҒОНИГА БОРАДИГАН ЙЎЛ ЧЕТИДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ҚУРИЛГАН КЎРКАМ ВА ШИНАМ ТУРНАҚАТОР УЙЛАР, БОЛАЛАР УЙИНГҲОҲЛАРИ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ МАЖМУАЛАРНИ КЎРИБ ҚУВОНАСАН, ГУРУРЛАНАСАН. ҲАР БИР ХОНАДОН ОСТОНАСИДА ГУРКИРАБ ТУРГАН ТУРФА РАНГ ГУЛЛАРНИ КЎРИБ КЎЗ ЯЙРАЙДИ...

▶ Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА
халқимизнинг ўзаро бирдамлиги,
фидокорона меҳнати муҳассам



Бошланғич партия
ташкilotи етакчиси
қандай бўлиши керак?

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНING ПОЗИЦИЯСИ:

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Маълумот ўрнида айтиш кераки, Давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўмиталарида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Давлат бюджетни ижроси ҳақидаги ҳисобот Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам кенг ва тахлилий муҳокама қилинди. Депутатлар партия дастурий мақсадлари ҳамда электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатининг ярим йилликдаги ижросига нисбатан қатъий нуктаи назарларини баён қилишди.

Шу асосда ЎзХДП фракциясининг Давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси юзасидан позицияси ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг

2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди. Жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг амалга оширилиши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўрта муددатли дастурларини амалга оширишни давом эттириш билан боғлиқ асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида баътафсил ахборот берди.

Бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги

ЎзХДП фракцияси аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг самарадорлиги ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича кўшимча чоралар кўриш муҳимлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

сакланиб тургани, хусусан, харажатлар қисмининг 59,2 фоизи иқтисодий соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг мажлисда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари эшитилган ҳисобот юзасидан ўз позицияси ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон ХДП фракцияси позициясини фракция аъзоси Зулайхо Акрамова ўқиб эшиттирди.

Аввало, ЎзХДП аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, ижтимоий кўлаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш тарафидан эканлиги, жорий йил биринчи ярим йилликда Давлат бюджетни харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилгани партия дастурий мақсадларига мос келиши таъкидланди.

Иқтисодиётдаги ижобий тарқибни силжитар, сифатли ўзгаришлар ва тенденциялар, мутаносиб ривожланиш аҳоли банд-



лигининг ўсишига имкон берди. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли амалга ошириш натижасида 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 441,8 мингта янги иш ўрни яратилди, шундан 274,9 мингта иш ўрни эки 62,2 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилди.

ЎзХДП фракцияси бундан буён ҳам касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ушбу жараён устидан назоратни кучайтириш масаласини долзарб, деб ҳисоблайди.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг самарадорлиги ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича кўшимча чоралар кўриш муҳимлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Фракциямиз фикрича, марказда ва жойларда давлат бошқаруви органларининг, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш, молиявий интизомга қатъий риоя қилиш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидалари ижро

этилиши устидан назоратни янада кучайтириш, ушбу масалаларда масъулиятни жиддий тарзда ошириш зарур.

Мажлисда билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Тўққон ТўРАХОНОВ

ЎЗХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА «КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ — ХОТИН-ҚИЗЛАР ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидор ва истеъдодларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга тўхталиб ўтишди.

Хотин-қизлар фаоллиги тараққиётга хизмат қилади

— Бугун жамият раънақида хотин-қизлар фаоллиги ортмоқда, — деди ЎзХДП Навоий вилоят Кенгаши раиси Акмал Асатов. — Бу жараёнда партиямиз иштироки ҳам кучайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг шу давригача вилоятимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган 60 дан ортиқ спорт тадбири, 100 га яқин сиёсий ўқув ташкил этилди. Партиямиз томонидан аёллар бандлигини таъминлаш, уларни касаначилик ва оилавий тадбиркорликка жалб этишга қаратилган лойиҳалар асосида 22 нафар хотин-қизга мутахассислиги асосида ишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

— Инсон ва унинг манфаати устувор саналган юртимизда аёлларнинг меҳнат қилиши учун керакли имкониятлар яратилмоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова. — Мамлакатимиз бўйлаб ЎзХДП аъзолари сони 400 мингга етган бўлса, уларнинг 185 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳозирда партиямиз ташаббуси билан юртимиз худудларида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий кўлаб-қувватлаш маркази», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари», «Коллеждан — корхонага» лойиҳалари асосида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кўлаб тадбирлар бўлиб ўтган. Айниқса, бундай тадбирларни энг чекка худудларда ўтказиш, қишлоқларда истиқомат қилувчи аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор қаратилган.

Тадбир сўнггида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Илҳом САТТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Андижон вилоятида ҳам шу мавзудаги давра суҳбатлари, турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда вилоят партия кенгаши томонидан ўтказилган семинарда депутатлар, партия фаоллари, фахрийлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасидаги ишлар хусусида сўз юритишди.

160 нафар хотин-қизга ЎзХДПга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Назира Матёкубова бу борада ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари хусусида тўхталиб ўтди. Юртимизнинг чекка худудларида истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг жамиятда муносиб ўринга эга бўлиши учун яқиндан кўмаклашиш, уларнинг ислохотларга дахлдорлигини янада ошириш лозимлигини таъкидлади.

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов истиқлол йилларида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турмуш шaroитини янада яхшилаш, имтиёзлар яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида сўз юритди. Уларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, электротратимиз вакилларининг қизиқиш ва интилишларини рағбатлантириш долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Партия тизимида фаол ва самарали меҳнат қилаётган 30 нафар опа-сингилмиз ЎзХДП Марказий Кенгашининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шу кун 160 нафар хотин-қизга ЎзХДПга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши Матбуот хизмати.

ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Сессияда давлат дастури ижроси кўриб чиқилди

Масалан, туманимиздаги 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг 10 нафари телевизор ва мобил телефонлар билан таъминланди. Уларга маҳаллий ва шаҳарлараро чиқиш кўнгироклари учун ҳар ой абонент тўлови олинмасдан, бепул лимит берилди. Президентимизнинг шу йил 14 апрелдаги Фармонида асосан, уй-жой коммунал хизматлари бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига пул тўлови амалга оширилган.

— Давлат дастурида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш белгиланган, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Исроил Боиров. — Бугунги кунда туманда 38 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар рўйхатга олинган. Уларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий му-

жой шароитларини яхшилаш мақсадида ҳудудий дастур ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, ижтимоий кўлаб-қувватлашга муҳтож 39 нафар кексанинг уйлари-ни ҳашар йўли билан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

— Туманда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Бўка туман тиббиёт бirlашмаси раҳбари Ўткир Баратов. — Тумандаги жами 9725 нафар 60 ёшдан ошган кексаларнинг 6641 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. 4253 нафари амбулатор ва 679 нафари стационар шароитда даволанди. Шунингдек, туман тиббиёт бirlашмаси томонидан ёлғиз кекса ва пенсионерлар, ногиронлар дори-дармон воситалари билан таъминланиб келинмоқда. Кексаларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 22 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийсига вилоят миқёсидаги шифохоналарда даволаниш учун бепул ордерлар берилди.



хофаза қилиш маркази томонидан 20 нафар ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим бириктирилган. Улар давлат томонидан озик-овқат ҳамда кир ювиш воситалари билан таъминланиб келинапти. 2015-2017 йилларда уларнинг уй-

— Ўтган даврда мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланганларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Равшан Тўйчиев. Хусусан, 200 нафарга яқин

ёлғиз кекса, уруш ва меҳнат фахрийси санаторийларда саломатлигини тиклади.

Бундан ташқари, тумандаги кекса ёшдаги кишилар учун шахмат, шашка бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди. Уларда 100 га яқин нуроний ота-хонларимиз иштирок этди.

Сессияда депутатлар кексаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашда уларга ёрдам бериш мақсадида «Нуронийлар — эъзозимизда» патронаж ёшлар ҳаракатини ташкил этиш юзасидан ўз таклифларини билдиришди. Шунингдек, тумандаги яроқсиз ҳолатга келиб қолган бинодан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида кексалар учун «Отахонлар чойхонаси»ни ташкил этиш борасида ҳам таклифлар ўртага ташланди.

Бундан ташқари, ҳар ойда «Кексалар дуосини олайлик», «Орт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан раънақи учун масъулмиз» шиори остида оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиш бўйича ҳам таклифлар берилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича сессиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Меҳрож ДАРХОНОВ

САЙЛОВЧИ ДЕПУТАТ ҲАҚИДА НИМА ДЕЙДИ?

Боймурод ЯРАШЕВ,
Денов тумани, «Қорахон» маҳалласи, пенсионер:

— Уч-тўрт кўшни, маҳалладош йиғилишасан, албатта, мамлакатимизда, туманимизда, маҳалламизда бўлаётган ўзгаришлар, янгилликлар хусусида гаплашамиз. Ўтган кунлар, кўрган қийинчиликларимиз, халқимиз чеккан заҳматларни бир-бир хотирлаб, бугунги кунларга шукрона айтмиз.

Мустақиллик туфайли инсон манфаатларига хизмат қилувчи кўлаб ислохотлар амалга оширилди, оширилмоқда. Буларда юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, улардан сайланган депутатларнинг ҳам муносиб ўрни бўляпти, албатта. Мисол учун, ҳудудимиздан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутат Холмамат Хўжақуловни олайлик. У депутатликка иккинчи бор сайланиши. Холмамат Хўжақулов тиришқоқлиги, ҳудудимиз ривожини, аҳоли турмушини янада яхшилашга қаратилган ташаббуслари билан ҳурмат қозонган. Ўтган қаҳриқда қишлоғимиздаги мактабни таъмирлашга, бу йил иккита трансформаторни алмаштиришга кўмаклашди. Депутатлик сўрови орқали ички йўл таъмирланишига бош бўлди. Депутатимиз маҳалламиздаги ёши улуг отахону онахонлар ҳолидан хабар олиб туради.

Халқнинг меҳрини қозониш, ишончини оқлаш осон эмас. Бунинг учун депутат доимо одамлар орасида бўлиши, ҳар бир кишининг дардини, қувончини ўзиники деб билиши керак. Худуддаги аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, мутасадди ташкилотларга таклифлар билан чиқиши зарур.

Гулурух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



■ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШИДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ НИҲОЯТДА МУҲИМ. АЙНАН УЛАР АҲОЛИНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРАДИГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН БИРИДИР.



■ ҲАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ТАЪСИР КУЧИ АЪЗОЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИГА БОҒЛИҚ. ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ УЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ, ФИКР АЛМАШИШ МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

■ ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

«БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ»

Тошкент тиббиёт академияси шифокор бўлишга қарор қилган 480 нафар талабани ўз бағрига олди

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройи. Бу ерда яқиндагина Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга қабул қилинган талабалар учун «Биз Ибн Сино издошларимиз» аънавий маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Бўлғуси шифокорларни жамоатчилик вакиллари, академия профессор-ўқитувчилари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари, фан, таълим соҳасининг таниқли намояналари қутлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, талабалар орасида халқаро ва республика фан олимпиадалари ҳамда танловлар ғолиблари бор. Бу истеъдодли ёшлар талабалikka тест синовларисиз, имтиёз асосида қабул қилинган.

Кўзларидан ўт чакнаб турган, билим ва заковат синовида галаба қозongan бу ёшларга қараб юрагингиз энтикади. Қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади. Булар мустақиллик фарзандлари. Ибн Сино, Беруний, Улуғбек издошлари. Эртага улар эл саломатлигини муҳофаза этади, Ватан шайини улуғлайди. Ўз билимлари, куч-қудратлари билан жаҳонни лол қолдиришади. Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги, кам бўлмаслигини яна бир бор намойён этишади.

Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Тадбир очик, деб эълон қилинади.



Сўз Тошкент тиббиёт академияси ректори, академик Шавкат Каримовга берилади.

— Азиз талабалар! Бугун сиз тиббиёт дунёсига қадам ташлаясиз, — деди у. — Тиббиёт академиясига ўқишга киришда ниятда машаққатли, масъулиятли синовлардан муваффақиятли ўтдингиз. Сизлар бахтли авлодсиз. Жаҳоннинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиш учун, аввало, замонавий технологияларни, соҳа янгиликларини яхши билиш талаб этилади. Ҳозирги кунда академиямизда маърузалар инглиз тилида ўқилипти.

Жаҳон тиббиёти йил сайин ўзгар-

моқда. Соҳанинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиш учун, аввало, замонавий технологияларни, соҳа янгиликларини яхши билиш талаб этилади. Ҳозирги кунда академиямизда маърузалар инглиз тилида ўқилипти.

Яқинда академиямизни тамомлаган икки нафар талаба Кембриж университети магистратурасига қабул қилинди. Бу — жуда ҳам катта ютуқ. Мен талабаларга мурожаат қилмоқчиман. Сизлар, аввало, Ўзбекистонда туғилганингиздан ва Тошкент тиббиёт академиясига ўқитганингиз-



Фарук АЛИЕВ олган суратлар.

Бобур АБДУҒАФФОРОВ, талаба:

— Мен Менделеев олимпиадаси ғолиби сифатида академияга имтиёз асосида ўқишга қабул қилиндим. Бу ғамхўрлик ва эътиборни оқлаш учун бутун кучимни, билимимни сарфлашга тайёман. Ўзбекистонда истеъдодли ёшлар қадрланади. Уларнинг оруз-истакларига кенг йўл очиб берилади. Президентимиз ҳар бир чиқишида ёшларга юксак ишонч билдиради. Биз ўзимизни кўрсатишимиз, қандай буюк инсонларнинг авлоди эканимизни амалда намойён этишимиз зарур. Келажакда зўр шифокор, таниқли олим бўлиб, Ўзбекистон тиббиёти ривожига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшаман.

Лазиз ТҲИЧЕВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари:

— Сизлар бугундан бошлаб тиббиёт ҳодими ҳисобланасиз. Мен ҳам шу даргоҳда ўқиганман. Иш фаолиятимни ҳам шу ерда бошлаганман. Биз, академияни битирганлар уни яхши кўрамыз. Ўзимизни умрбод қардор, деб ҳисоблаймиз. Имкон топдик дегунча, боргимиз келади. Ҳар бирингиз бугунги кунни ҳеч қачон унутмай-сиз. Келажакда қаерда ишлашингиздан, ким бўлишингиздан қатъи назар, бир умр илмга, эзгуликка, ҳалолликка ва академияга интиласиз...

...Хулоса ўрнида австриялик машҳур ёзувчи Мария фон Эбнер-Эшенбахнинг ушбу фикрини келтириш ўринлидир: «Врачлар ва ўқитувчилардан мўъжиза талаб қилинади. Агарда уша мўъжиза содир бўлса, ҳеч ким бундан ажабланмайди».

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

2016 йил
учун обуна
мавсуми
бошланди

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси томонидан мазкур масалага бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Айни пайтда обуначиларга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойлардаги 840 матбуот шохобчаси орқали вақтли матбуот нашрларига обунани ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг барча бўлимларида обуна ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилда компаниянинг обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича тарифлари сезиларли даражада пасайтирилди. «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти даврий нашрларни расмийлаштиришга етказиб бериш тарифларини ҳам оширмади. Компания имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, 2016 йил учун обуна каталоглари шакллантирилганда баъзи нашрларга, хусусан, ижтимоий-сиёсий газеталар ва болалар нашрларига имтиёзлар белгиланди. Бундан ташқари, «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» АЖларнинг вилоят ва туманлардаги барча бўлимлари, шунингдек, матбуот дўконларида ҳам обуна ишлари олиб борилмоқда.

Компаниянинг веб-сайтида даврий нашрларга обунани расмийлаштириш йўлга қўйилган. Мазкур сайтда аҳоли ва ташиқлотлар учун обуна каталогининг электрон кўриниши жойлаштирилган.

Обуна мавсумида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида компания шохобчаларидаги терминаллар 314 тага кўпайтирилди. Шу билан бирга, «Web-Sum», «Интернет-банкнинг», «Click» тўлов тизимлари орқали обуна уюштириш ва ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш имкони яратилган.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

БУГУН «БОЛАЛАР КИТОБИ»

II республика фестивали бошланади

Шу муносабат билан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда қайд этилишича, «Болалар китоби» II республика фестивали Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида маънавий ва адабиёт байрами сифатида ўтказилади.

«Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги!» шиори остида ўтказилаётган мазкур фестивал болалар адабиётини ривожлантиришга, фарзандларимиз маънавиятини юксалтиришга, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга хизмат қилади.

Тадбирда болалар учун мўлжалланган ижтимоий-бадий жиҳатдан етук адабиётлар салмогини кўпайтириш ҳамда болалар адабиётига ихтисослаштирилган нашриётлар фаолиятини давлат даражасида қўллаб-қувватлаш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрима жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу фестивалда юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхонаси ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этади. Фестивалнинг асосий тадбирлари Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади ва унинг доирасида нашриётлар томонидан сўнгги йилларда чоп этилган 200 дан зиёд номдаги янги китобларнинг тақдироти, халқ шоирлари, ёзувчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, ёш ижодкорлар билан учрашувлар, мушоиралар ҳамда ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар бўлиб ўтади.

Бонинг турли ҳудудларида китоблар кўргазмаси, нуфузли халқаро кўргазмаларнинг совринли ўринларни эгаллаган асарлар тақдироти ташкил этилади. Икти-сослаштирилган нашриётлар томонидан сўнгги йилларда нашр этилган болалар адабиёти, мумтоз ва энг сара замонавий адабиётлар, айниқса, ўқув-маърифий китоблар, энциклопедик лугатлар ва маълумотлар намойиш этилади, савдоси уюштирилади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ФУТБОЛ

Ярим финалнинг дастлабки жавоб учрашувида Тошкентнинг «Локомотив» ҳамда Қаршининг «Насаф» жамоалари ўзаро куч синашди. Мазкур жўфтликнинг Қаршида ўтган биринчи ўйинида мезбонлар 2:0 ҳисобида зафар қучишганди. Жавоб баҳси ҳам қутилганидек шиддатли ва муросасиз кечди. Унда Марат Бикмаев киритган ягона гол темирйўлчиларга галаба келтирди — 1:0. Аммо бу ҳисоб «Локомотив» футболчиларининг

КУБОК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон кубоги финалчилари номи маълум бўлди.

Финалга чиқиши учун етарли бўлмади.

Шундай қилиб, икки ўйин натижасига кўра зафар қучган «Насаф» жамоаси (2:1) биллур совин учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Иккинчи финалчи номи эса

Тошкентнинг «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида ўтган учрашувида аниқланди. Бу жамоаларнинг дастлабки ўйинида пахтакорчилар ўз майдонида рақибига имкониятни бой берганди — 2:3.

Жавоб учрашувида «Бунёдкор» жамоаси 1:0 ҳисобида галаба қозо-

ниб, финалга чиқди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон кубоги финал ўйини 24 ноябрь кунни бўлиб ўтади. Унда «Насаф» — «Бунёдкор» жамоалари ўзаро баҳс юритади.

Эркин ХОЛБОБОВ

■ РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



Телефон: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11028
nuxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tjorat materiallari
o'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6